

**“Гарант банк” акциядорлик жамияти тизимида молиявий қийинчиликлар,
мураккаб ҳаётӣй вазиятларга тушиб қолган ҳамда форс-мажор ҳолатлари туфайли
ўз вақтида кредит тўловларини амалга оширишга қийналаётган
истеъмолчиларнинг амалдаги кредитлари бўйича кредит шартномаси
шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш (реструктуризация)
Тартиби**

Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги”ги Низом (рўйхат рақами 2696-сон, 2015 йил 14 июл), “Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 3030-сон, 2018 йил 2 июл) ва “Гарант банк” АЖ Устави ҳамда ички қоидаларига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, “Гарант банк” АЖ тизимида молиявий қийинчиликлар, мураккаб ҳаётӣй вазиятларга тушиб қолган ҳамда форс-мажор ҳолатлари туфайли ўз вақтида кредит тўловларини амалга оширишга қийналаётган истеъмолчиларнинг амалдаги кредитлари бўйича кредит шартномаси шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш (реструктуризация) тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Тартибда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Банк – “Гарант банк” акциядорлик жамияти;

БХО – Банкнинг Амалиёт бошқармаси/банк хизматлари офислари;

Кредит шартномаси – Банк ва қарз олувчи ўртасида тузилган кредит операциясини амалга ошириш бўйича келишув бўлиб, у кредит операциясининг шартларини, томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини ҳамда бошқа тегишли шартларни белгилайди;

Қўшимча келишув – мавжуд кредит шартномасига киритиладиган ўзгартишларни расмийлаштирувчи ҳужжат;

Қарздор – Банк билан кредит шартномаси тузган якка тартибдаги тадбиркор, жисмоний ёки юридик шахс;

Реструктуризация – кредит шартлари (муддат, фоиз ставкаси, тўлов жадвали)ни қарздорнинг мурожаати ёки Банк ташаббуси билан ўзгартириш.

2. Ушбу Тартибнинг мақсади қарздорларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, қарз юкини енгиллаштириш ҳамда кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликни камайтиришдир.

1. Қуйидаги ҳолатлар кредит шартномаси шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга (реструктуризацияга) асос бўлади:

қарздорнинг қонунчиликда белгиланган тартибда суд тартибда банкрот деб топилганлиги;

қарздор (жисмоний шахс) қонунчиликда белгиланган тартибда I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс деб топилганлиги;

қарздор аёлнинг ҳомиладорлик ва туғиш таътилини олганлиги;

қарздор (жисмоний шахс)нинг қонунчиликда белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилганлиги;

қарз олувчининг меҳнат шартномаси бекор қилиниши ва иш қидираётган шахс сифатида туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимларида рўйхатга олинishi;

қарздорликнинг муддати ўтганлиги ва қарздорнинг қарзни тўлаш имкониятини инобатга олган ҳолда;

табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши;

Банк томонидан кредит портфелининг сифатини яхшилаш мақсадида;

мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) содир бўлганлиги;

амалдаги қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда.

2. Реструктуризация турлари қуйидагилардан иборат:

кредит тўловлари муддатини узайтириш;

кредит фоиз ставкасини қайта кўриб чиқиш;

тўлов графигини ўзгартириш, шу жумладан аннуитет/дифференциал усулини алмаштириш;

асосий қарзни тўлаш бўйича имтиёзли давр бериш;

қарзни ягона қарзга бирлаштириш ва умумий график яратиш;

кредит тўловларини кечиктирганлик учун жарима ва пенялар миқдорини камайтириш.

5. Кредит тўловлари муддатини узайтириш қуйидагича амалга оширилади:

кредит тўловлари муддатини кўшимча равишда 3 (уч) ойгача узайтириш;

кредит тўловлари муддатини кўшимча равишда 6 (олти) ойгача узайтириш;

кредит тўловлари муддатини кўшимча равишда 12 (ўн икки) ойгача узайтириш.

Бунда, кредит тўловлари муддатини узайтириш 12 (ўн икки) ойдан ошиб кетмаслиги керак.

Шунингдек, ҳомиладорлик ва туғиш таътилини олган аёлларнинг амалдаги кредитлари бўйича тўловлар муддатини 10 (ўн) ойгача узайтириш мумкин.

3-боб. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддати

6. Кредитни реструктуризация қилиш бўйича қарздор Банкнинг Марказий аппаратиға ёки кредит ажратилган тегишли БХОға мурожаат қилади.

7. Марказий аппаратға келиб тушган мурожаатлар Банк Аппарати томонидан рўйхатға олиниб, мурожаат келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмай тегишлилиги бўйича БХОға ижро учун юборади.

8. Кредитни реструктуризация қилиш бўйича қарздорнинг мурожаати Банкнинг ички қоидалари ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ 15 (ўн беш) банк иш куни ичида кўриб чиқилади.

9. Қарздорнинг мурожаатига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

кредит шартномаси нусхаси;

кредитни реструктуризация қилишга асос бўладиган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжат.

10. Банк БХОлари Муаммоли кредитлар билан ишлаш бўлими томонидан ариза ва илова ҳужжатлар ўрнатилган тартибда ўрганиб чиқилади. Агар илова ҳужжатларида камчиликлар аниқланса, 3 (уч) банк иш куни ичида бу ҳақда қарздорга ёзма тарзда хабар берилади. Бунда, қарздор камчиликларни бартараф этгандан сўнг қайтадан мурожаат этиши мумкин.

4-боб. Мурожаатларни баҳолаш мезонлари

11. БХО Муаммоли кредитлар билан ишлаш бўлими томонидан ажратилган кредитни реструктуризация қилиш юзасидан қуйидаги ҳолатлар текширилиб, хулоса тайёрланади:

- а) Кредит бюросидан қарздорнинг кредит тарихига оид маълумотнома олинади;
- б) кредит бўйича қабул қилинган таъминот таҳлил қилинади (Гаров реестридан маълумотнома олинади, кафилнинг бухгалтерия баланси таҳлил қилинади);
- в) кредитнинг таснифи ўрганилади;
- г) кредит бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжудлиги аниқланади;
- д) ушбу Тартибнинг 3-бобида кўрсатилган қарздор томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ўрганилади.

Ушбу хулоса масъул раҳбар томонидан тасдиқланади ҳамда ҳужжатлар БХО Кредит қўмитасига қарор қабул қилиш учун киритилади.

12. БХО Кредит қўмитаси томонидан тегишли ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб қарор қабул қилинади. Бунда, кредитни реструктуризация қилиш юзасидан якуний мазмундаги қарор Кредит қўмиталари учун белгиланган ваколат доирасида қабул қилинади.

13. БХО Кредит қўмитаси томонидан кредитни реструктуризация қилиш рад этилган тақдирда 3 (уч) банк иш куни ичида рад этиш сабаблари асослантирилган ҳолда ёзма тарзда қарздорга хабар берилади.

5-боб. Қарор қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби

14. БХО Кредит қўмитасининг ижобий қарори қабул қилинганда, Марказий аппаратга қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ёзма равишда мурожаат қилинади:

кредитни реструктуризация қилиш бўйича қарздорнинг мурожаати;

БХО Муаммоли кредитлар билан ишлаш бўлимининг ажратилган кредитни реструктуризация қилиш юзасидан хулосаси;

БХО Кредит қўмитасининг кредитни реструктуризация қилиш тўғрисидаги ижобий қарори;

кредитни реструктуризация қилишга асос бўладиган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар.

15. БХО томонидан мазкур Тартибга мувофиқ Марказий аппаратга қилинган мурожаатларни кўриб чиқиш бевосита Муаммоли активлар билан ишлаш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

16. Марказий аппаратда тегишли Муаммоли активлар билан ишлаш бошқармаси томонидан кредитни реструктуризация қилиш юзасидан хулоса тайёрланади.

17. Марказий аппарат Кредит қўмитаси ваколатига кирувчи масалалар Кредит қўмита мажлисида кўриб чиқилади.

18. Кредитни реструктуризация қилиш бўйича тегишли БХОнинг мурожаати рад этилганда бу тўғрисида 1 (бир) банк иш кунида БХОга хабар берилади.

19. Мазкур Тартиб доирасида барча ҳужжатлар белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг, Муаммоли активлар билан ишлаш бошқармаси томонидан кредитни реструктуризация қилиш юзасидан рухсат (рад этиш) хати тайёрланади ва масъул Бошқарув раиси ўринбосари томонидан имзоланади.

20. Хулоса ижобий бўлса, БХО томонидан кредит ҳамда гаров шартномасига қўшимча келишув тузилиб, тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланади.

21. Марказий аппаратнинг Муаммоли активлар билан ишлаш бошқармаси тегишли бошқарма ва БХО билан биргаликда ИАБС тизимида кредитни реструктуризация қилиш бўйича техник ишларни амалга оширади.

22. Жараён тўлиқ яқунланганидан сўнг барча ҳужжатлар кредит йиғма жилдига жойлаштирилади БХОнинг тегишли бўлимида сақланади.

6-боб. Яқуний қоидалар

23. Мазкур Тартибга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш фақат Банк Бошқаруви қарори билан амалга оширилади.

24. Мазкур Тартиб қоидалари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига ҳамда Банкнинг ички қоидаларига мувофиқ жавобгар бўладилар.